



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/6**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д, проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д, проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Х.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Ширинова Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Ахророва А. Ўзбекистонда амалга оширилган қатагон сиёсатининг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий қатламига таъсири.....	4
Дармонова М. Совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш сиёсатига оид архив манбалари (Тошкент шаҳар марказий давлат архиви мисолида).....	8
Дусчанов Р. XX асрнинг 20-30 йиллари совет давлати қатагон сиёсатига учраганлар тақдири (солиқ тизими соҳаси мисолида).....	11
Зайнабидинова З. Научные достижения академика Сайёры Шарафовны Рашидовой в области химии и физики полимеров.....	14
Ибрагимов Р. Тошкент воҳасининг қадимги ўрта асрлар даври манзилгоҳларининг ўрганилиш тарихи (1945-1960 йиллар амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида).....	17
Murodov N. Vuxoro turizm sanoati rivojlanishida yutuq va muammolar.....	21
Сайфуллаев Д. Ўзбекистон маданий дипломатияси тарихини тадқиқ этиш йўналишлари.....	25
Холбоев И. “Бадриддиновчилик” суди жараёни ҳақида айрим мулоҳазалар.....	29
Шодиева Ш. Ҳаж зиёрати Бухоро амирлиги ва Усмонийлар империяси ўртасидаги сиёсий муносабатлар воситаси сифатида.....	33

### Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Абдувахобова С. Применение методов дизайна и их анализ в дизайне общего ассортимента спортивной одежды.....	37
Алимкулов Н., Абдуллаева Д. География фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситалари асосида такомиллаштириш.....	41
Бегматов М. Ўзбек оиласида гендер тенглик муаммолари.....	44
Boymurodov Z. Turmush tarzi: millatlararo totuvlik va bag'rikenglik dialektikasi.....	48
Далимова Н. Авлодлараро зиддият ижтимоий тараққиётнинг зарурий шарт сифатида.....	52
Джамиев Б. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки ва фаолияти.....	55
Jo'rayeva N. Maktab ta'limida sifat menejmentini takomillashtirish xususiyatlari.....	59
Jurayeva N. Talabalarda liderlik motivatsiyasining psixologik xususiyatlari.....	62
Исмаева Ш. Хорижий тилларни ўқитишда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини кредит-модуль тизимида баҳолашнинг назарий асослари.....	67
Jankalo'g'lu Y. Tanqidiy va analitik fikrlash.....	70
Кебайтули Г. Ўзбек тилида истак гапларнинг семантик тузилиши.....	73
Кахаров А. Ички ишлар ходимларининг жамият ва оиладаги ижтимоийлашуви.....	77
Кувондиқов С. Компоненты структуры акробатической подготовки юных гимнастов.....	81
Қўлдошов Ў. Шерий таржимада конверсив талқин.....	85
Махмудова Д., Абдуқодирова Р. Matematik savodxonlikni oshirishda “pisa” topshiriqlarining ahamiyati.....	88
Mirahmedov F. Dzyudo musobaqalarida eng ko'p qo'llaniladigan usullar va ularning ahamiyati.....	91
Mirsharipova Z. Talabalarning to'g'ri ovqatlanishini tashkil etish.....	93
Мойдинова Э. Роль современных технологии преподавания английского языка в эпоху цифровизации.....	96
Муллабаева Н. Мактабдаги хавфсизлик ўсмир шахси тараққиётининг омили сифатида.....	100
Murodova Z., Muradova F. Role of digital technologies in the education system.....	103
Муродов К. Эркин курашда махсус тренажерлар ва машқлардан фойдаланиш асосида курашчиларнинг куч чидамлилигини ривожлантириш технологияси.....	106
Мухаммадиева Х. Shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalar asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarining intellektual, jismoniy, ruhiy, ma'naviy rivojlanishini ta'minlash ahamiyati.....	110
Nizamova D. Islom Karimov nomli TDTU talabalarining koronavirus infeksiyasi haqida ma'lumoti darajasi.....	113
Норов Т. Алишер Навоий онтологик фалсафасида ваҳдатул вужуд масаласи.....	117
Омонов Б. Экологик муносабатлар глобаллашуви хусусиятлари.....	122
Очилова В. Метакогниция моделлари.....	126
Ruziyev A. Kompetensiyaviy yondashuv asosida bo'lajak pedagoglarda vatanparvarlik tuyg'usini rivojlantirishning nazariy asoslari.....	130
Садиков А. Биомеханический анализ техники выполнения легкоатлетического старта «разножка» в спортивном плавании.....	133
Саидова Б.Н. Хотин-қизлар таълимига оид таълимотларнинг вужудга келишига асос бўлган омиллар.....	136
Sindorov R. Frazеologik birliklarni o'rgatishda lingvokulturologik tUSDagi mashqlar tizimidan foydalanish.....	139
Соатов Э., Казаков Ш. Bo'lajak pedagoglarda vatanparvarlik tuyg'usini rivojlantirish samaradorligining integratsion imkoniyatlari.....	142
Тлеубаева Г. Олий таълим муассасаларида иқтидорли талабаларни таёрлаш ва илмий ижодий фаолиятини ташкил этиш.....	146
Turabekova U. Pandemiya sharoitida masofadan o'qitishning talabalar salomatligiga ta'siri.....	149
Фарафонтובה О. 3000 м. масофага тўсиқлар оша югурувчиларнинг турли мусобақалардаги спорт натижалари таҳлили.....	152
Худойкулов Д. Амир Темур ахлоқ фалсафасининг ижтимоий-маърифий асослари.....	155
Шоназаров О. Спортда спортчи фаолиятининг психологик хусусиятлари.....	158

### Филология

Абдирашидов З. Таълим учун кураш: руслаштириш ва жадидчилик.....	161
Absalamova G. Gumanist Mishel de Monten atamasozligining asosiy yo'nalishlari.....	166
Амонтурдиева Ш. Диний матнларнинг ўзбек тили функционал-стилистик тизимида тутган ўрни, матнлар аро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар.....	170
Agolov Z. Tilshunoslikda paremiologiya fan sifatida.....	174

<b>Arustamyan Y.</b> Verbalization of the concept “Fear” in k. Kesey’s “One flew over cuckoo’s nest” and its representation in translation.....	179
<b>Atamuradov Sh.</b> O‘zbek-turk muloqot madaniyatida kommunikativ muvaffaqiyatsizlikning yuzaga kelishi.....	183
<b>Barotova M.</b> “Ko‘z qismoq” paralingvistik vosita sifatida.....	187
<b>Дехқонова М.</b> Насрий асарлар талқини (Матёқуб Қўшжонов таҳлиллари мисолида).....	190
<b>Джафарова Д.</b> Семантические особенности фразеологизмов, представляющие «Историческую память».....	193
<b>Исломов И.</b> Ўзбек тили таълимий корпусида географик терминларни акс эттириш масаласига доир.....	196
<b>Mardiev T.K., Shermatova E.Z., Mattiyev I.B.</b> Lisoniy ong va lisoniy shaxs tushunchalarining o‘zaro munosabatlari.....	199
<b>Насруллоева Н.</b> Инглиз компьютер ва интернет жаргонларининг шаклланиш таракқиёти.....	203
<b>Отақулов Н.</b> Сон компонентли субколлоквиал фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари.....	206
<b>Пулатова В.</b> Истоки и генезис антиутопии (на материале английской литературы).....	211
<b>Райимов Қ.</b> Прагматик синонимиянинг ҳосил бўлишига таъсир этувчи прагматик узвлар тадқиқи.....	216
<b>Раҳимов А., Назарова Ш.</b> Транспозициянинг лингвокогнитив тадқиқига доир мулоҳазалар.....	220
<b>Сулаймонова Г.</b> Prospects for the development and application of modern technologies in teaching and learning English.....	224
<b>Юсупов О.</b> Инглиз тилида лексик дублетларнинг этимологик тадқиқи.....	229



*Зайнабидин АБДИРАШИДОВ,*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*

*филология фанлари доктори, доцент*

*abdirashidov@gmail.com*

*ORCID ID: 0000-0002-6869-4315*

### ТАЪЛИМ УЧУН КУРАШ: РУСЛАШТИРИШ ВА ЖАДИДЧИЛИК

Аннотация

Россия Туркистон ўлкасини босиб олгандан кейин маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини амалга оширишда таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда дастур ишлаб чиқишга киришди. Кауфман юритган сиёсат маҳаллий аҳолини турмуш тарзига кўра иккига ажратди ва ушбу икки гуруҳга нисбатан мақсадли иш кўрди. Бошқа тарафдан русларнинг “ғайрижинс”ларга нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсати натижада уларга қарши турувчи маҳаллий зиёлиларнинг етишиб чиқишига туртки берди. Мақолада руслаштириш сиёсатига қарши майдонга чиққан жадидчилик ҳаракати, унинг асосий фаолият йўналишлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, рус маъмурлари ва жадидлар ўртасида таълим тизими учун кечган ғоявий кураш тарихий материаллар асосида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ғайрижинс, руслаштириш, таълим, жадидчилик, янги усул.

### THE STRUGGLE FOR AN EDUCATION: RUSSIFICATION AND JADIDISM

Annotation

After occupation of Turkestan, the Russian administration began to develop a program with a special focus on educational institutions within the implementation of the policy of Russification to the local population. The policy pursued by Kaufman divided the local population according to their way of life and took targeted action against these two groups. On the other hand, the Russian colonial policy towards the "Aliens" eventually led to the emergence of local intellectuals who opposed them. The article analyzes main activities of the Jadidism, which emerged against the policy of Russification. The ideological struggle for education system between Russian administrators and Jadids is also revealed on the basis of historical materials.

**Key words:** aliens, russification, education, Jadidism, a new method.

### БОРЬБА ЗА ОБРАЗОВАНИЕ: РУСИФИКАЦИЯ И ДЖАДИДИЗМ

Аннотация

После оккупации Туркестана российская администрация приступила к разработке программы с особым упором на образовательные учреждения в рамках реализации политики русификации местного населения. Политика Кауфмана разделила местное население по образу жизни и приняла целенаправленные меры против этих двух групп. С другой стороны, колониальная политика России по отношению к «инородцам», в конечном итоге, привела к появлению местной интеллигенции, которая выступила против этих инициатив. В статье анализируются основные направления деятельности джадидизма, выступившего против политики русификации. Идеологическая борьба за систему образования между российскими чиновниками и джадидами также раскрывается на анализе исторических материалов.

**Ключевые слова:** инородцы, русификация, образование, джадидизм, новый метод.

**Кириш.** Россия Туркистон ўлкасини босиб олгандан кейин маҳаллий таълим муассасаларини ўзига қарши тура оладиган куч сифатида кўра бошлади. Шу сабаб, биринчи навбатда, чор маъмурияти маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини амалга оширишда таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда дастур ишлаб чиқишга киришди [17, 253].

Кауфман юритган сиёсат маҳаллий аҳолини турмуш тарзига кўра иккига ажратди ва ушбу икки гуруҳга нисбатан мақсадли иш кўрди. Биринчи гуруҳни асосан кўчманчи ҳолда чоравчилик билан шуғулланган қирғизлар (қозоқлар) ташкил қилган бўлса, иккинчи гуруҳга эса шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ яшаган, русларнинг таъбири билан айтганда, “сиёсий жиҳатдан ўта хавфли” бўлган аҳоли киритилди. Кауфман яратмоқчи бўлган янги маориф тизими кўчманчи аҳолини ўтроқ мусулмонлар таъсиридан олиб чиқиш ва тез орада уларни руслаштиришни мақсад қилди. Ўтроқ аҳолига нисбатан эса бу сиёсат бошқача йўл тутиши керак эди ва шу мақсадда Қозондан машҳур миссионер Николай Ильминскийнинг шогирдлари Николай Остроумов ва Михаил Миропиев Тошкентга чақириб олиб келинди.

Остроумов ва Миропиев, гарчи улар маҳаллий мусулмонларни насронийлаштириш орқали руслаштириш ва шу йўл билан уларни рус халқи билан бирлаштиришга қаратилган таклифларни илгари сурганига қарамай, Туркистон маъмурияти бундай сиёсатни амалга оширишга ботина олмади. Туркистонда маҳаллий маориф тизимини тартибга келтириш рус маъмурлари ўйлаганчалик осон иш эмас эди. Кауфман айтганидай, руслар Туркистонда мустаҳкам асосга эга маориф тизимига дуч келдилар.

Бошқа тарафдан русларнинг “ғайрижинс”ларга нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсати натижада уларга қарши турувчи маҳаллий зиёлиларнинг етишиб чиқишига туртки берди. Шундай шахслардан бири кримлик Исмоил Гаспринский эди. Гаспринский маҳаллий мусулмон мактаб ва мадрасалар таълим дастурига рус тили ва рус тарихига оид фанларни киритиш орқали янгича маориф тизимини яратиш дастури билан Туркистон рус маъмуриятига мурожаат қилди. Гаспринскийнинг бу ташаббуси Остроумов ва Миропиевлар томонидан жуда катта қаршиликка дуч келди. Албатта, бу миссионерлар Гаспринский таклиф этган дастурнинг асосий мақсади ва натижаси нимага

олиб келишини жуда яхши тушунганлари боис уни умуман инкор этдилар.

Россиянинг Туркистонга тажовузи оқибатида олиб борилган руслаштириш сиёсати охир оқибат таназзулга юз тутди. Буни ўз вақтида рус маъмурилари ва миссионерлари ҳам эътироф этди. Ўлкага Гаспринский дастури билан кириб келган жадидчилик руслаштиришга қарши катта куч сифатида майдонга чиқди.

Инкор этиш – руслаштиришнинг бош ғояси

1867 йилда Туркистоннинг босиб олинган худуди доирасида Чор ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилди ва биринчи губернатор сифатида Константин Петрович фон Кауфманни (1818-1882) тайинлади. Янги генерал-губернаторлик маркази этиб Тошкент танланди.

Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш бўйича 1867-1886 йилларда амалда бўлган Муваққат Низом генерал-губернатор фаолиятида кенг сиёсий эркинлик беришни назарда тутмаган бўлсада, генерал Кауфман Петербург билан маслаҳатлашмаган ҳолда Туркистонга қўшни давлатлар билан мустақил тарзда турли музокара олиб бориш, шунингдек ўлканинг бюджетини тасдиқлаш, турли солиқ ва йиғимлар ҳамда рус субъектлари учун имтиёзлар бериш каби ишларни амалга ошириши мумкин эди. Россия Империясининг ҳеч қайси генерал-губернаторлиги Туркистон генерал-губернаторлигига берилган имтиёзларга ҳамда марказдан мустақил ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаган.

Кауфман маъмурияти Туркистондаги фаолиятини маҳаллий халқлар ўртасида “цивилизация ғоялари”ни сингдиришдан бошлади ва янги босиб олинган худудларда Европанинг “цивилизаторлик миссияси”ни ўз елкасига олди. Жеф Саҳадеога кўра, руслар колонияга айлантирилган Тошкентда қўллай бошлаган “цивилизация” сўзи, бироз маъносини ўзгартирган ва Европада кўп ишлатиладиган “маданият”, “тараққиёт”га яқинроқ эди [16, 8]. Бундан ташқари, руслар Туркистонда шундай кизгин жамият ва иқтисодий ҳолатга дуч келдиларки, бу уларнинг Осиёнинг қотиб қолган ва қолоқ ҳолдаги тасаввурларига бутунлай тўғри келмас эди [16, 12].

Рус маъмурияти Туркистондаги “цивилизаторлик миссияси”ни ўзлари учун “муҳим аҳамиятга молик иш” бўлган мактабдан бошладилар [13, 430-436]. Кауфман маъмурияти янги сиёсат доирасида Туркистондаги маориф ташкилотларини ўзига бўйсундира бошлади. Улар сиёсий важ сабабидан барча маҳаллий мактабларни ёпиб ташлай олмасдилар. Шу сабаб ҳам руслар ушбу муассасаларни инкор этиш ва моддий таъминотдан маҳрум қилиш йўлини танладилар [13, 438; 11, 139].

Кауфман йўлга қўя бошлаган сиёсат биринчи навбатда маҳаллий таълим муассасаларининг моддий таъминотчиси бўлган вақф институтини тақиқлади. Энди мактаб ва мадрасаларга вақф мулки бериш ёки вақф мулкни янгидан ташкил этилмайдиغان бўлди [7, 240-241]. Кауфман бу йўлда ҳатто “1867 йилда тасдиқланган Муваққат Низомда кўрсатилган янги вақф мулкларни ташкил этиш ва ҳада қилиш” [13, 240] бандини инobatга ҳам олмади. Кўплаб вақф мулклари турли таййиқлар ва айбловлар остида мусодара қилинди [16, 75].

Чор ҳукуматининг маҳаллий аҳоли учун таълим тили рус тили бўлган мактабларни таъсис қилишига сабаблардан бири, бу руслаштириш сиёсатининг асоси бўлган “рус манфаатлари” эди. Ушбу манфаатдан келиб чиққан ҳолда, чоризмининг Туркистондаги таълим сиёсати маҳаллий халқни руслаштириш орқали уни Россия Империясига маҳкам “боғлаш”га йўналтирилди. 1870 йили Халқ таълими вазирлиги “Ватанимиз сарҳадларида истиқомат қилувчи барча ғайрижинсларнинг [20, 173-190]

таълимидан кўзланган асосий мақсад уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштириш”га қаратилганлиги ҳақида ахборот берди [8, 263-264].

Кауфман юрита бошлаган умумтаълим сиёсати натижасида рус ва ғайрижинслар болалари бирга таълим оладиган ҳамда диний фанлар ўқитилмайдиган мактаблар ташкил этилиши керак эди. Бундай мактаблар, Кауфманга кўра, кўчманчи халқларни ўтроқ ҳаёт кечирадиган ғайрижинсларнинг диний таъсирдан узоқлаштиришга ва ажратишга хизмат қилишига мўлжалланган эди. Айни шу сиёсат араб алифбосини кириллча билан алмаштирадиган рус харфларини жорий этишни ҳам кўзда тутган эди [13, 436]. Бу усул Волгабўйи татарлари учун Николай Ильминский тарафидан қўлланилган ва самара берган эди [19; 5; 21]. Умуман олганда, Кауфман таклиф қилган маориф лойиҳаси Туркистон ўлкасида биринчи навбатда айнан кўчманчи қозоқ болалари учун рус мактаблари очишни мақсад қилган. Бу йўл билан уларни тезроқ руслаштириш ва руслаштириш сиёсатининг ғояларига тўғри келмайдиган ўтроқ мусулмонларнинг таъсир доирасидан бутунлай ихоталаш мумкин эди [12]. Албатта, Кауфман бу сиёсатни шакллантиришда Шарқ тарихи бўйича йирик мутахассис Василий Григорев (1816-1881) ва Николай Ильминский тавсияларига каттиқ амал қилди [11, 141].

XIX асрнинг 80 йиллари бошида Кауфман подшоҳ Александр III га йўллаган ҳисоботида ўлканинг янги маъмурияти халқ таълимини йўлга қўйишда амирлик ва хонликлар худудларида “жуда яхши ташкил этилган ва шаклланган халқ таълими тизимига қарши” курашишга тўғри келганини ёзган эди [13, 433]. Кауфман маъмурияти, юқорида айтилганидек, бу таълим муассасаларига ўта ишончсизлик билан қараган ва имкон қадар уларнинг фаолиятини чеклашга уринган. Шу билан бир қаторда, диний таълим ёки мусулмон ҳуқуқий тизимига аралашмаслик ҳақида расман эълон ҳам қилган эди. Бу эса, Саҳадеонинг таъкидлашича, Кауфман юритган сиёсатга “инкор этиш сиёсати” мақоми расман берилганлигини тасдиқлайди [16, 33].

Биринчи генерал-губернатор Кауфман бошлаган маориф сиёсатини давом эттирган кейинги губернаторлар таълим муассасаларига янада каттиқроқ шартларни қўя бошлади. Мусулмонларга бўлган ишончсизлик янада кучайди. Туркистон ўлка рус маъмурияти Петербургдан Туркистон мусулмонлари диний маҳкамасини таъсис қилиш борасида билдирилаётган таклифларга ҳам қарши чиқди. Аслида Петербург ушбу маҳкамани таъсис қилиш орқали ўлкадаги барча мусулмон ташкилотларини назорат остига олишни режалаштирган эди. 1898 йили генерал-губернатор Сергей Духовской (1838-1901) Россия Империяси Ҳарбий вазирга ёзган маълумотномасида ўлкада чор ҳукуматини янада мустаҳкамлаш учун халқнинг маънавий-ахлоқий жиҳатига катта таъсир ўтказувчи Туркистондаги барча мусулмон ташкилотлари, хусусан мадраса ҳаётига кўпроқ аралаштириш таклифини билдирган эди. У Туркистон мусулмонлари диний маҳкамасини таъсис қилинишига қатъиян қарши чиқди. Духовской бу маҳкама таъсис қилинадиган бўлса, у фақат маҳаллий мусулмонларни бирлаштиришга ва рус давлатчилигига қарши фаолият олиб боради деган фикрда эди. Бундан ташқари, у барча маҳаллий мусулмон мактабларини Туркистон маъмурияти тасарруфига ўтказиш; барча мусулмон муассаса ва ташкилотларини қайта рўйхатдан ўтказиш; ва энг асосийси, мусулмон мактаби муаллимлари ҳар йили дарс бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишлари кераклиги борасида таклифлар берди. Духовской ўз маълумотномаси сўнгида генерал-губернатор ваколатига сиёсий жиҳатдан номақбул деб топилган исталган маҳаллий мусулмон

муассасасини ёпиш ваколатини беришни сўрайди [11, 147].

Кўриниб турганидек, Туркистон маъмурияти маҳаллий таълим муассасаларида нима ва қандай ўқитилаётганидан қаттиқ ташвишга туша бошлаган. Духовской мусулмонлар диний маҳкамаси ўрнига барча мусулмон муассасалари бошқарувини бекор қилиш ва уларнинг вазифаларини умумий маъмуриятга ўтказишни назарда тутувчи лойиҳа ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ҳам таклиф қилди [1, 294]. Ўша вақт Ҳарбий вазир, 1916-1917 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган Алексей Куропаткин (1848-1925) ҳам Духовскойнинг бу таклифини қўллаб-қувватлаган йирик сийсий шахслардан бири эди. Куропаткин мусулмон уламози фаолиятини қатъий назоратга олиш ва “руслаштириш” сиёсатини кучайтириш тарафдори сифатида танилди. Лекин Туркистон мусулмонлари диний маҳкамаси масаласи ўз ечимини топмади. Туркистон ўлкасида бошқарувчилик қилган губернаторлар мусулмонларнинг аҳолини тартибга келтиришни у қадар муҳим масала деб қарамадилар.

Ислом ва унинг таркилотларини инкор этиш сиёсатига қарши чиққан шахслардан бири Николай Остроумов эди. У, аксинча, мусулмон умумтаълим муассасалари бўлган мактаб ва мадрасани қаттиқ назорат остига олиш тарафдори эди. Остроумов мактаб ва мадрасани энг катта хавф деб ҳисоблади ва уларни бутунлай инкор этишни сиёсий ҳаётга деб талқин қилди. Туркистон маъмуриятининг бу сиёсати, унинг фикрича, “кўчманчи қирғизларни ўтроқ сартлар ва татарлар таъсиридан чиқара олмади; бундан буён ҳам руслар ўтроқ сартларни ўз таъсирида ушлаб туришга қодир эмас; иш шундай давом этса, мусулмон мактаби тараққиёт ва бутун дунё мусулмонлари билан бирлашишга интилаётган янги татарлар, ёш татарлар таъсирига тушиши аниқ” [11, 159-160] эди. Аммо унинг бу соҳадаги фаолияти фақат таклиф беришдан нари ўтмади. Рус сиёсатчилари Туркистон мусулмонлари ва уларнинг муассасаларига нисбатан олиб борган инкор этиш йўли орқали уларни ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетишини тўғри деб билдилар [15, 155].

Янги мактаб – янги тартиб

Гаспринский Туркистонга расмий йўл билан жадид мактабини олиб кириш учун Қримда қўллаган усулдан фойдаланишга ҳаракат қилди. Гаспринский бошланғич мактаблар ва у билан бир қаторда айрим мадрасаларни ислоҳ қилиш ҳақидаги таклифларини Туркистон генерал-губернатори барон Александр Вревский<sup>[1]</sup>га [10, 30; 18, 35; 2, 65]<sup>[2]</sup> юборди [3]. Гаспринский бу ишда, Миропиевдан фарқи равишда, бошланғич мактабда ислом динига оид асосий таълимот берувчи фанлар сақланиб қолишини ва қўшимча равишда рус тили фанини дастурга киритилишни асосий омил сифатида кўрсатди. Гаспринский мактабда ерли аҳоли ўз динига мудохала қилинса умуман ўзига ёт бўлган нарсани ҳеч қачон қабул қилмаслиги борасида генерал-губернаторни ишонтиришга уринди [3].

Гаспринский режасини амалга оширишда мактаб ва мадраса дастурларига рус тилини киритишни олдинги планга чиқарди. У рус тилини мактаб ва мадраса дастурига киритиш орқали рус маъмурияти ишончини қозониш ва таклифларини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини мақсад қилган эди. Гаспринский Туркистон маъмуриятини “... рус тилини мусулмонлар орасида жорий қилиш масаласи мактабда ўқитишни соддалаштириш ёки бошқача айтганда, осон йўлга солишга бориб тақалиши”га [3] эътибор қаратишга ва ушбу усул маҳаллий аҳолини русларга, хусусан уларнинг маданияти билан танишига йўл очади деган фикрini ўртага ташлади.

Гаспринский таълимни ислоҳ қилишдаги “осон йўл”ни амалга ошириш учун қуйидагиларни таклиф этади:

- 1) ўқитувчилар учун янги усулга асосланган ўқиш ва ёзишга ўргатиш қўлланмасини тарқатиш;
- 2) янги усулга асосланган жадид мактабларини оммалаштириш;
- 3) ушбу мактабларга ўқитувчи етиштириш учун мавжуд мадрасалардан айримларини “олий” тоифага айлантириш учун уларни ислоҳ қилиш;
- 4) “олий мадраса” талабаларига ҳарбий мажбурият бўйича имтиёз бериш ҳамда диний бошқарма қошидаги имтиҳонлардан озод қилиш;
- 5) “олий мадраса” дастури рус тили, рус қонунлари ва педагогикасини етарли даражада ўргатилишига асосланиши керак.

Гаспринскийга кўра, бу ишлар амалга ошгандан кейин янги усул мактабига тайинланган ўқитувчилар маҳаллий ўқув юртлари дирекцияси ва мусулмон диний бошқармаси вакиллари ҳузурда имтиҳон топширади. Бу ўқитувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам мусулмонча, ҳам русча ўқита олади. Ишни бу тартибга қўйилиши ва рус-тузем мактабдаги ўқитувчининг маҳаллий аҳолидан бўлиши мусулмонларни ислом динининг бузулмаслигига ишончини ортиради. Гаспринский Туркистон генерал-губернаторига шу йўл билан мусулмон мактабларида ўқитишни соддалаштириш ва янги усулни жорий қилишни таклиф этди.

Гаспринский янги усулнинг асосий моҳияти шу пайтгача жорий 6 йиллик бошланғич мактабларни икки йилга тушириш, қолган муддатда рус тили ва маданиятини ўргатишга йўналтирилганига урғу беради. Фақат бу ишни ерли зиёлилар қўлига топширилиши лозимлигини таъкидлайди.

Гаспринскийнинг мақсади пухта ўйланган ва амалда Қримда синовдан ўтказилган эди. Туркистон маъмурияти Гаспринскийнинг асосий мақсади нима эканлигини жуда яхши билар эди. Шу сабабдан ҳам генерал-губернатор Вревский бу масалани ҳал қилишни таълим соҳасига масул бўлган Николай Остроумов ва ўлка бўйича мутахассис ҳисобланган Владимир Наливкин<sup>[3]</sup>га топширади.

Николай Остроумов, хат билан танишиб чиқиб, Гаспринскийнинг русларга ақл ўргатаётганлигидан таажжубда қолганлигини ва “...бу масаланинг (мусулмонларнинг таълими – А.З.) Туркистон туб аҳолисига бевосита алоқаси йўқ, номаъмурий шахс томонидан муҳокама қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган иш”, - деб баҳолайди. Шунингдек, “...ўқув маҳкамаси учун ҳам, Туркистон ўлкасида маҳаллий маорифни ташкил этишда ҳам қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин эмас”, деган хулоса беради [4, 42].

Остроумов Гаспринский таклифларини таҳлил қилар экан, масаланинг моҳияти, яъни Туркистон маҳаллий аҳолисини қайси усулда ўқитишни Гаспринскийдан кўра ўлка ўқув маҳкамаси яхшироқ билишини таъкидлайди. Туркистон мактабларида ўқитишни фақат ерли зиёлилар қўлига топширилишини эса умуман амалга ошириб бўлмайдиган иш, сифатида кўради [4, 42]. Остроумовнинг фикрича, рус тилини рус муаллимисиз кенг ёйиб бўлмайди. У Гаспринскийнинг барча ҳаракатлари мусулмонларни руслардан ажратишга қаратилган деб изоҳлайди. Остроумов маслақдоши Миропиевнинг фикрларини давом эттирган ҳолда, тарихда ҳоким миллат ўзига яқинлашиш масаласи ишини бўйсундирилган ғайрижинс миллат қўлига ишониб топширгани ҳақида мисол йўқлигига урғу беради. Сўзининг охирида эса, “ўлканинг мустамлакага айлантирилиши Туркистон аҳолисининг

руслаштирилишига хизмат қилиши керак. Бу эса уларни рус халқи ва Россия билан яқинлаштиришнинг энг қулай ва тўғри воситаси” деган хулоса беради.

Владимир Наливкин ҳам ўз навбатида маслакдоши Николай Остроумов фикрларини маъқуллаган ҳолда, “Туркистонда ўқув соҳасида олиб бораётган сиёсатимизда Гаспринский каби бир одамнинг фикрларига рағбат қилинса, рус ҳукумати бундан пушаймон бўлади”, - деб ёзади. “Гаспринскийга ишониб бўлмайди, чунки у ўзи чиқараётган “Таржимон” газетаси орқали рус сиёсатига қарши фикрлар билдирмоқда” [10, 31], деган сўзлар билан ўз фикрини яқунлайди. Генерал-губернатор Вревский юқоридаги икки рус маъмурининг берган хулосаларга асосланиб, Гаспринский мактубини жавобсиз қолдирди [14, 23].

Адиб Холдиннинг фикрича, Гаспринскийнинг таклифи яхши қабул қилинмаганлигига икки сабаб бор. Биринчидан, Гаспринский Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолатдан старли даражада хабардор эмаслиги бўлса, иккинчидан унинг жадид мактаби учун ёзган дарслиги Туркистонда деярли қўлланилмас эди [9, 179]. Бизнингча бу фикр қисман тўғри. Гаспринский Туркистондаги асл ҳолатни яхши билмаслиги мумкин, лекин ўлкада янги усул мактаблари старли даражада ёйилмасдан унинг дарслиги қўлланилмаслиги ҳам аниқ. Гаспринскийнинг аввал янги усул мактабларини ташкиллаштиришга умид боғлаган эди. Дарсликларига келсак, мактаблар ташкили йўлга қўйилгандан кейин улар ҳам бир шаклда татбиқ қилиниши керак эди. Кейинчалик Гаспринскийнинг дарслиги Туркистоннинг айрим ерларида, хусусан Бухорода Мулла Жўрабой Пирмастий тарафидан 1897 йили форсчага таржима қилинди ва маҳаллий мактабда ўқитила бошланди.

**Хулоса.** Россия Туркистонни босиб олган 1867 йилдан бошлаб ўлкада мустамлака сиёсатини, аниқроғи маҳаллий аҳолига нисбатан руслаштириш сиёсатини олиб борди. Бу сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун рус ҳукумати биринчи навбатда диққатини маҳаллий маориф муассасаларига қаратди. Мактаб руслаштиришнинг негизи сифатида қабул қилинди. Кауфман танлаган йўл – инкор этиш сиёсати бўлиб, бунинг натижасида маҳаллий маориф тизими ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўмақ олишига тўсик қўйилиши ва оқибатда ушбу тизим ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши керак эди. Кауфман олиб борган сиёсатини “цивилизаторлик миссияси” деб баҳолади ва бу йўналишда изчил фаолият олиб борди. Қозонлик миссионер Николай Ильминский таклифига кўра, Туркистонга маориф тизимини тартибга келтириб беришга масул бўлган Николай Остроумовни олиб келди.

Бу ишларнинг барчаси ғайрижинсларнинг маорифини руслаштириш сиёсатига мослаштиришга йўналтирилди. Маҳаллий маориф тизимини бугунлай бекор қилиш орқали уларни тамоман рус маъмурияти тасарруфига ўтказиш бўйича амалий ишлар қилинганга қарамай, “жуда яхши ташкил этилган” бу тизимни бўйсундириш ишлари ниҳоясига етмади.

Ички Россия мусулмонлари орасида бошланган ислохотчилик ҳаракатининг Туркистон ўлкасига кириб келиши ва ёйилиши рус маъмуриятининг руслаштириш сиёсатига қатта зарба бўлди. Николай Остроумов маориф масалалари бўйича масул сифатида сиёсий майдонга эндигина кириб келаётган мусулмон зиёлиларининг фаолиятларига тўсик бўлишга уринди. Бу йўналишда у биринчи навбатда Исмоил Гаспринский таклиф этаётган “ҳамкорлик сиёсати”га асосланган дастурни Туркистонда амалга оширилмаслигига ҳаракат қилди ва уни тўлиқ инкор этилишига эришди. Бунинг муқобилида ўзининг ҳаммаслаги Михаил Миропиев билан русларнинг ва рус ҳукуматининг цивилизаторлик миссиясини маҳаллий аҳолини насронийлаштириш орқали давлат бирлигини таъминлашга қаратилган дастурини таклиф қилди.

Кауфман бошлаган инкор этиш сиёсати 1905 йилга қадар давом этди ва русларнинг танлаган йўли хато эканлиги аниқлашди. Бу вақтга қадар Туркистонда жадидчилик – янгиланиш ва ислохотчилик ҳаракати илдииз отган ва ўз тарафдорларини топиб улгурди. Гаспринский мусулмонларни руслар билан яқинлаштиришнинг бирдан бир йўли бу руслаштиришга муқобил шаклда ҳамкорлик йўлини акс эттирган таклифи Туркистонда инкор этилди. Шу билан бир қаторда, Чор ҳукумати империя мусулмонлари орасида кечаётган янгиланиш ҳаракати ва унинг оқибатини жиддий ўйлай бошлади. Ҳукумат жадид мактаблари очаётган, уларда дарс бераётган, янги таъсис этилган маҳаллий матбуот ва хорижий нашрларда иштирок этаётган барча кишилар хусусида суриштирув ишларини кенг йўлга қўйди. Туркистонда содир бўлган 1892 ва 1898 йиллардаги халқ кўзғолонлари мусулмонлар орасида жиддий ўзгаришлар юз бераётгани ва вазият тобора кескинлашиб бораётгани ҳукуматнинг мамлакатда кечаётган воқеаларнинг сабабларини чет элдаги “душман марказлари”дан кидиришга ундади.

1905 йил 17 октябрь Манифести ва бунинг натижаси сифатида қабул қилинган “Эътиқод тўғрисидаги қонун” ҳукуматнинг амалда кўпроқ рус тилини жорий қилишга интилиб, миллий чегараланишни йўқ қилиш ва дин ишларига камроқ аралашини қонунан мустаҳкамлади. Бу сиёсат ортидан полиция департаменти Туркистонда маҳаллий зиёлилар ортидан қузатувни қучайтирди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Арапов, Дмитрий. (ком. и ред.). Ислам в Российской империи (законодательные акты, описания, статистика). Москва: ИКЦ “Академкнига”, 2001. –368 стр.
2. Devlet, Nadir. İsmail Bey (Gaspıralı). Ankara: Kültür ve Turizm Bakanlığı, 1988. –54 s.
3. Гаспринский, Исмаил. 1893. Записка Главному Начальнику Туркестанского Края от Исмаил Бека Гаспринского по поводу учебника и методов обучения русскому языку в туземной школе. ЦГАРУз. Ф. И-1. Опись-11. Дело-806, лл. 1–3.
4. Холбоев, Сотим. Остроумовнинг жавоби // Гулистон, 1995, №1. –Б.41–43.
5. Ильминский, Николай. Воспоминания об И.А. Алтынсарине. Казань, Типо-литография В.М. Ключникова, 1891. – 396 стр.
6. Исмоил. Бағчасарайдан Ташканта саяхат // Таржимон, 1893, №41.
7. Муминов, Ибрахим (ред.). История Самарканда. В 2-х томах. Ташкент: Фан, 1969.
8. История народов Узбекистана. Т. II. От образования государства Шейбанидов до Великой октябрьской социалистической революции. Ташкент: АН УзССР, 1947. –555 стр.
9. Khalid, Adeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Berkeley: University of California Press, 1998. –335 pp.

10. Lazzerini, Edward. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia. 1878-1914. University of Washington, 1973. Unpublished Ph.D. thesis.
11. Остроумов, Николай. Колебания во взглядах на образование туземцев в Туркестанском крае (хронологическая справка). – Кауфманский сборник, изданный в память 25 лет, истекших со дня смерти покорителя Туркестанского края, генерал-адъютанта К.П. фон-Кауфмана I-го. Москва: Типо-литография Т-ва И. Н. КУШНЕРЕВ и Ко, 1910. – С.140–160.
12. Остроумов, Николай. Константин Петрович фон Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н.Остроумова. Ташкент: Типо-лит. Ф. и Г. бр. Каминских, 1899. –286 стр.
13. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства 7 ноября 1867 – 25 марта 1881. Санкт-Петербург, 1885. –503 стр.
14. Қосимов, Бегали. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент: Маънавият, 2002. –400 бет.
15. Раджабов, Зариф. Туркестан на страницах большевистских газет периода первой русской революции (1905-1917 гг.). Душанбе: Дониш, 1970. –225 стр.
16. Sahadeo, Jeff. Russian colonial society in Tashkent, 1865 – 1923. Bloomington: Indiana University Press, 2007. –288 pp.
17. Содиков, Ҳамдам ва бошқ. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. –464 бет.
18. Saray, Mehmet. Gaspıralı İsmail Bey'den Atatürk'e. Türk dünyasında dil ve kültür birliği. İstanbul, 1993. –184 s.
19. Сборник документов и статей по вопросу об образовании инородцев. Санкт-Петербург, 1869. –522 стр.
20. Slocum, John W. Who, and When, Were the Inorodtsy? The Evolution of the Category of «Aliens» in Imperial Russia // Russian Review, Vol.57, 2 (Apr.), 1998. –P.173–190.
21. Знаменский, Пётр. Участие Н. И. Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. Казань, 1900. –225 стр.
22. [1] Вревский Александр Борисович - (1834-1910), барон; Туркистон генерал-губернатори (1890-1898).
23. [2] Вревский Александр Борисович - (1834-1910), барон; Туркистон генерал-губернатори (1890-1898).
24. [3] Наливкин Владимир Петрович - (1852 - 1918), кўзга кўринган рус шарқшунос олими ва амалдори. Туркистонда кечган 40 йиллик ҳаёти давомида ўлка мусулмон мактаблари инспектори, XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг махсус ишлар бўйича масъул ходими, Фарғона вилояти Ҳарбий губернатори ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган.